

Бухорий бўстонида

05:00 / 11.03.2017 3850

Бу китоб "Бухорий бўстонида" номли асар муқаддимаси. У ўнта фаслдан иборат. Ҳар фасл бир-бирига боғлиқ алоҳида мавзуларда баҳс юритади.

Миллат фахри барпо этган бетакрор маънавий боғ билан танишишдан олдин кўпчиликка зоҳири маълум, ботини мажҳул бўлган ҳақиқий боққа кириб ўтишга эҳтиёж сезилди. Шунга кўра биринчи фасл боғбон ва унинг боғи ҳақида сўзловчи луғавий маънодаги узун ҳикоя билан бошланди. "Ҳамма билган нарсаларни такрорлаш"нинг сири мутолаа асносида ойдинлашади. Аллоҳ таоло ҳаммага маълум бўлган ер, осмон, қуёш, ой, юлдуз ва кунда неча бор кўз тушадиган озиқ-овқат, мева-чева каби нарсаларга чуқурроқ назар солишга буюрган. Сабаби, бундай назар инсонга маънавий озуқа бериб, иймоннинг зиёда бўлишида, дунёқарашнинг ўнгланишида ҳамда ҳаётнинг янада ёқимли ўтишида ва тотли татишида кўмаклашади. "Китобга "Муқаддима" деб ном қўйиш у қадар тўғри эмас. Негаки, одатда, муқаддималар икки-уч бет ёки кўпи билан ўн бет бўлади", деган ўй ўқувчини қийнаши мумкин. Изтиробга ўрин йўқ. Чунки алоҳида Муқаддима ёзиш Ислом оламида янгилик эмас. Салафларимиз илмий меросида бунга намуналар сероб. Ҳофиз Ибн Ҳажар (773-852х) "Саҳиҳи Бухорий"нинг шарҳи Фатҳул Борийга битган икки жилдли муқаддимаси 1300 саҳифадан кўп. Муқаддима саккиз йил давомида ёзилган. Ибн Ҳажар исми Навоий ўқувчиларига таниш. Ибн Ошурга (1296-1393х) мансуб ўттиз жилдли машҳур тафсирнинг биринчи жилди асосан муқаддимага бағишланган. Муаллиф унда ўн хил мавзуда баҳс юритади.

Ибн Салоҳнинг (557-643х) ҳадис илмлари хусусидаги китоби "Муқаддимату Ибн Салоҳ" деб танилган.

Муаррих, файласуф, ижтимоий олим Ибн Холдуннинг кўп тилларга, жумладан француз тилига таржима қилинган етти томли тарих китоби нафақат тарихчиларга, ижтимоий фан олимларига, балки, назаримда, оддий китобхонларга ҳам таниш. Буюк асарнинг биринчи томи "Ижтимоий фанлар асоси"га бағишланиб, "Муқаддимату Ибн Холдун" номи билан шуҳрат топган. Муқаддима 518 саҳифадан иборат. Араб ҳикматида:"Ким баланд уй қуришни истаса, пойдеворни мустаҳкамласин", дейилган.

Кўнгил кўп қаватли иморат қуришга орзуманд. Лекин бу, ёзда фундамент қуйиб, қишгача томи ёпиладиган иншоотдек эмас экан. Аксинча, умр вазифасига ўхшайди. Шунга кўра "Бухорий бўстони"нинг "Муқаддима"си чўзилиб кетди. Бақадриҳол пойдеворни мустаҳкамлашга уринилди. Иморат битса, фабиҳо, битмай қолса, меҳнат зое кетмай, асар "Саҳиҳ" ўқувчилари учун мустақил қўлланма бўлиб қолади. Бу изоҳларнинг бари баъзи тушунмовчиликларни бартараф қилиш учун фавқулодда ёзилиб, кейинроқ изофа этилди.

[Китобни кўчириб олиш](#)